

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ФОНИДА КЕЧУВЧИ ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА КОРОНАР АРТЕРИЯЛАР АТЕРОСКЛЕРОЗИНИНГ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ

т.ф.д. **Н.А.Курбанов**

С.М.Абдурахманов

РИКИАТМ Жиззах филиали

Аннотация. Ушбу мақолада Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалида ўтказилган диагностик коронарография амалиётлари натижаларига кўра юрак ишемик касалликларининг қандли диабет билан бирга кечишида коронар артериялардаги кузатиладиган атеросклеротик жараёнларни ўзига хослиги ўрганилган.

Калит сўзлар. Юрак ишемик касаллиги, қандли диабет, коронарография, атеросклероз, коронар артериялар, юрак отиш фракцияси, буйракнинг гломеруляр тезлиги, коронар стентлаш амалиёти.

СПЕЦИФИЧЕСКОЕ ТЕЧЕНИЕ АТЕРОСКЛЕРОЗА КОРОНАРНЫХ АРТЕРИЙ ПРИ ТРАНЗИТОРНОЙ ИШЕМИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ СЕРДЦА НА ФОНЕ САХАРНОГО ДИАБЕТА

Абстракт. В данной статье по результатам диагностической коронарографии, выполненной в Джизакском филиале Республиканского специализированного кардиологического научно-практического медицинского центра, изучена специфика атеросклеротических процессов, наблюдающихся в коронарных артериях при сосуществовании ишемической болезни сердца с сахарным диабетом. .

Ключевые слова. Ишемическая болезнь сердца, сахарный диабет, коронарография, атеросклероз, коронарные артерии, фракция выброса сердца, клубочковая скорость почек, практика коронарного стентирования.

SPECIFIC COURSE OF CORONARY ARTERY ATHEROSCLEROSIS IN TRANSIENT ISCHEMIC HEART DISEASE ON THE BACKGROUND OF DIABETES

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

Abstract. In this article, according to the results of diagnostic coronary angiography performed at the Jizzakh Branch of the Republican Specialized Cardiology Scientific and Practical Medical Center, the specificity of the atherosclerotic processes observed in the coronary arteries in the coexistence of ischemic heart diseases with diabetes is studied.

Keywords. Ischemic heart disease, diabetes, coronary angiography, atherosclerosis, coronary arteries, cardiac ejection fraction, renal glomerular velocity, coronary stenting practice.

Хозирги ривожланган давримизда юрак ишемик касалликлари ўлимга олибкелувчи асосий сабаб бўлиб келмоқда. 2018 йилда Ўзбекистонда юрак қон-томир касалликлари касалланиш даражаси 100.000 кишидан 5799 тани ташкил этиб, жами юрак қон-томир касалликлари билан касалланишнинг 49%и юрак ишемик касалликлари зиммасига тўғри келган¹. Хозирга келиб Ўзбекистон шароитида 30-70 ёшда бўлган ахоли ўртасида кузатилган ўлимнинг 53%и юрак қон-томир касалликларига тўғри келмоқда².

Юрак ишемик касалликларининг беморларда кечиши ва асоратлар кузатилиши асосан беморнинг соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, шифокор тавсиясига кўра даволаниш режасига ва шу қатори албатта беморда кузатиловчи ёндош касалликларига ҳам боғлиқдир. Хозирга келиб XXI аср вабоси деб аталувчи қандли диабет касаллиги ҳам юрак ишемик касалликларини кечиши оғирлаштирувчи асосий сабаб бўлиб келмоқда. Аммо тиббиётнинг қанчалик кенг курашишига қарамай бу икки касаллик ахоли ўртасида кўпайиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

2-тур қандли диабет касаллиги билан касалланган юрак ишемик касаллиги бор беморларда қон-томирларнинг атеросклеротик зарарланиши жадалроқ кечиб, атеросклеротик зарарланиш ушбу тоифага кирувчиларда миокарднинг диабетга хос специфик зарарланиши фонида рўй беради. Шу туфайли кўп ҳолларда беморларда миокарднинг асосий вазифаси бўлган қисқарувчанлик кучи (миокарднинг отиш фракцияси)нинг сусайиши билан бирга кечади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали катетерлаш лабораториясида 2021-2022 йиллар 12 ой давомида ўтказилган коронарография амалиётидан ўтказилган беморлар

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

орасидан юрак отиш фракцияси 45%дан кам бўлганлар танлаб олиниб, улардан коронар артериялардаги атеросклероз жараёнини қандли диабет билан касалланганлар орасида ўзига хослиги ўрганилди.

2021 йил сентябр ойидан бошлаб 12 ой давомида жами 1018 та беморда диагностик коронарография амалиёти ўтказилган. Ўрганиш материали учун шулардан юрак отиш фракциясининг 45%дан паст бўлган 268 та бемор танлаб олинган. Танлаб олинганларнинг 80,2%и(215та) эркаклар, қолган 19,8%и(78та)ни аёллар ва уларнинг уртача 61,2 ёшни (эркаклар 60,7 ёш, аёллар 62,7 ёш) ташкил этган. Беморлар икки гуруҳга бўлиб ўрганилган. Биринчи гуруҳга фақат юрак ишемик касаллиги бўлган 222 та бемор киритилган бўлса, иккинчи гуруҳга юрак ишемик касаллиги билан бирга қандли диабетга чалинган 48 та бемор бириктирилиб ўрганилган.

Барча беморлар жинси, тана вазни индекси, умумий қон тахлили, қонда қанд миқдори, умумий холестерин ва буйракнинг гломеруляр тезлиги аниқланган (жадвал №1).

Жадвал №1

Кўрсаткичлар	ЮИК ва ҚД беморлар (ўртача кўрсаткич)	ЮИК беморлар (ўртача кўрсаткич)
Ёши	61,5	61,1
Тана вазни индекси	28	29
Қонда қанд миқдори (ммол/л)	11,4	5,8
Қонда умумий холестерин (ммол/л)	5,9	4,1
Буйрак гломеруляр тезлиги (мл/мин/1,73м ²)	73,8	72,1

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки, қандли диабет билан касалланганларнинг қондаги қанд миқдори асосли равишда юқори даражада бўлган. Юрак ишемик касаллиги билан касалланганлар гуруҳида қондаги умумий холестерин миқдорининг иккинчи гуруҳга нисбатан нормал кўрсаткичга (>5,2 ммол/л) эга эканлиги кўрилади. Буйрак гломеруляр тезлигининг деярли фарқ қилмаслигини текширувга олган беморларнинг

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

барчасида сурункали кечган якқол юрак етишмовчилиги асоратлари билан асосласак бўлади.

Ўрганишга танлаб олинган беморларнинг барчасида диагностик коронарорафия амалиёти ўтказилган ва амалиёт хулосасига кўра ажратилган иккала гуруҳ алохидаланиб натижалар ўрганилиб чиқилган. Амалиёт хулосасига кўра фақат юрак ишемик касаллигига чалинган беморлар гуруҳида жами 222 тадан 68 та (30,6%) беморда сезиларли атеросклеротик ўзгаришлар аниқланмаган бўлса, 37 та (16,6%) беморда бир томирли зарарланиш, 43 тасида (19,4%) икки томирли зарарланиш ва қолган 74 та (33,3%) беморда уч ёки кўп томирли зарарланишлар аниқланган. Иккинчи гуруҳ қандли диабет билан касалланган беморлар гуруҳида жами 48 тадан 4 та (8,3%) беморда сезиларли атеросклеротик ўзгаришлар аниқланмаган бўлса, 6 та (12,5%) беморда бир томирли зарарланиш, 14 тасида (29,1%) икки томирли зарарланиш ва қолган 24 та (50%!!!) беморда уч ёки кўп томирли зарарланишлар аниқланган. Жами беморларнинг 72 таси (26,9%) коронар артерияларни стентлаш амалиёти йўли билан даволанган. Қолган беморларни даволашда консерватив ёки юрак очик жаррохлик амалиёти усуллари танланган. Қуйида икки гуруҳни бир-бири билан фарқи жадвал асосида келтирилган (жадвал №2).

Жадвал №2

Коронар артериялардаги атеросклеротик ўзгариш	ЮИК ва КД беморлар		ЮИК беморлар	
	Сони	%да	Сони	%да
Сезиларли ўзгаришсиз	4	8,3	68	30,6
Бир томирли зарарланиш	6	12,5	37	16,6
Икки томирли зарарланиш	14	29,1	43	19,4
Уч ёки кўп томирли зарарланиш	24	50	74	33,3

Кўплаб биз каби солиштирма текширувлар ўтказувчилар хулосасига кўра, қандли диабет касаллигига чалинган беморларда кузатиловчи атеросклероз даражалари натижалари бизнинг текширув натижамиз хулосалари билан мос келмоқда. Демак, қандли диабет билан юрак ишемик касаллигининг бирга кечиши сабаб коронар артериялар атеросклеротик

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 5, 31 Май

зарарланиши фақатгина ишемик касаллиги билан касалланган беморларга нисбатан жадалроқ ривожланиши кузатилади.

Хулоса қилинганда, қандли диабет юрак ишемик касаллигининг типик клиник белгиси бўлган кўкрак соҳасидаги огрикни яширин кечиши ёки султ клиник белги бериши туфайли беморларда касалликнинг кеч диагностика қилинишига ва ногиронлик даражасини ошишига сабаб бўлади. Беморларда касалликнинг илк даврларида диагностик коронарография амалиётини ўтказиш ва касалликнинг эрта даврида аниқлаш туфайли аҳолимиз ўртасидаги юрак қон-томир касалликлари сабабли ногиронлик ва ўлим даражасини камайишига сабаб бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 9-ноябрдаги “Юрак қон-томир ва эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштириш”га бағишланган видеоселектори.
2. Академик Р.Д.Курбонов “Ўзбекистонда юрак қон-томир касалликларининг ҳозирги ҳолати” маърузасидан, Тошкент 2023й.
3. Г.К. Нурғалиева, С.Ж. Уразалина, А.И. Жайсанбай, Л.К. Досмаилова, “Состояние коронарного русла у пациентов ишемической болезнью сердца на фоне сахарного диабета” 2020г.
4. Andrea Natali, Patrizia Landi, “Coronary atherosclerosis in Type II diabetes: Angiographic findings and clinical outcome” 2020.
5. Р.С. Акчурин, Э.Е. Власова, К.В. Мершин, “Сахарный диабет и хирургическое лечение ишемической болезни сердца” Весник РАМН 2012г.
6. Е.О. Вершинина, А.Н. Репин, Т.Р. Рябова, С.Г. Гольцов, “Ближайшие и отдаленные результаты плановых эндоваскулярных вмешательств на коронарных артериях в зависимости от нарушений углеводного обмена” Сибирский медицинский журнал, 2013, Том 28, № 4.